

## ГИЛАМЛАР- ТАРИХ ПОЁНДОЗИ!

Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи Кўчма кўргазмалар бўлим мудири  
**Джалалова Гавҳар Ташпулатовна**  
Бўлим бош мутахассиси  
**Рахматуллаева Нигораҳон Низомиддиновна**

**Аннотация:** Уибу мақолада гиламчилик тарихи, ривожланиши, турлари ҳақида ёритиб берилган. Унинг ҳудудлари ва тараққий этиши босқичларини фарқлари тўғрисида сўз борган. XIX - XX аср гиламчилик артеллари ва фабрикалари фаолияти: гилам тўқишида ишлатиладиган ўсимликлар(пахта, зигир, жун) толалари, жун(қўй, эчки, тую жуни)дан тайёрланган иплар ҳақида ёритилган. Гиламчиликнинг инсон ҳаётига кириб келиши, нима мақсадларда қўлланилишига тавсиф берилган.

**Калит сўзлар:** ўсимлик толалари, жун ип, тўқувчи, ипак ип, темир тароқ, табиий бўёқлар, артель, фабрика, узун патли, калта патли ва патсиз гиламлар.

**Аннотация:** В статье описаны история, развитие и виды ковроделия, рассмотрены различия между его регионами и этапами развития. Изложена деятельность ковроткацких мастерских и фабрик XIX - XX веков: растительные волокна (хлопок, лен, джут) и шерстяные (овечьи, козьи, верблюжьи) пряжи, используемые в ковроткачестве. Описано внедрение ковров в жизнь человека и цели, для которых они используются.

**Ключевые слова:** растительные волокна, шерстяная нить, ткач, шелковая нить, железный гребень, натуральные красители, артель, фабрика, длинноворсовые, коротковорсовые и безворсовые ковры.

**Annotation:** This article describes the history, development, and types of carpet making. there was talk about differences in its areas and stages of development. Activities of carpet-weaving workshops and factories of the XIX - XX centuries: plant fibers (cotton, flax, jute) and wool (sheep, goat, camel wool) yarns used in carpet weaving are explained. The introduction of carpet weaving into human life and the purposes for which it is used are described.

**Key words:** plant fibers, woollen thread, weaver, silk thread, iron comb, natural dyes, artel, factory, long-pile, short-pile and without any piles carpets.

Ўзбекистонда гилам тўқиши санъати жуда қадимга бориб тақалади. Гилам пахта, жун ва ипак каби табиий иплардан тайёрланганлиги сабабли жуда қадимгилари бизгача етиб келмаган. Манбааларга қараганда ушбу санъат тури қўчманчи халқлардан қолган. Гилам маҳсулотлари полга тўшаш, деворга осиш, хонани безаш, иситиш, товушни пасайтирища хизмат килади.

Гиламчилик –бадиий ҳунармандчилик соҳасидир. Қадимдан чорвачилик билан шуғулланадиган қўчманчи кабилалар орасида кенг тарқалган. Ўсимлик толаси - пахта, зигир, жут каби хомашёлардан, жун иплар эса - қўй, эчки ва тую жунларидан

тайёрланган. Гилам тўқиши учун қирқилган жунлар ювиб тозаланади, темир тароқда таралади, таралган жундан ип йигирилади. Иплар турли табиий бўёқлар билан бўялади. Шунинг учун гилам ранглари ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди. Кўлда гилам тўқиши Ўрта Осиёда, айниқса, Туркманистанда кенг ривожланган. Кўлда гилам тўқиши ниҳоятда сермашаққатли иш, тўқувчидан қунт, дид, маҳорат талаб қиласди. Патли гиламларни тўқиши айниқса, мураккаб. Кўлда тўқилган гилам пати, нақш мужассамоти асос ипига рангли иплардан туғиб бандлар ҳосил қилиб яратилади, тугун учи матонинг юза томонига чиқариб текис қирқилади, ҳар бир қатордан сўнг арқоқ или ўтказиб маҳсус темир тароқда уриб аввалгисига маҳкамланади. Тайёр гилам маҳсус кимёвий моддалар ёрдамида ювилади. Гиламлар турли ҳажмларда тайёрланади. XX асрнинг 30-йилларидан кейингина пат боғлайдиган маҳсус дастгоҳли корхоналар пайдо бўлди.

Гиламчиликнинг пайдо бўлган вақтини аниқ айтиш қийин, чунки жун чидамсиз бўлиб, қадимги гиламлар сақланмаган. Энг қадимги гилам милоддан аввалги VI – V асрларга оид бўлиб, тоғли олтойдан топилган, абадий музлоқда бўлгани учун яхши сақланган. Олимларнинг тахминига кўра, у Аҳамонийлар даври форслари ёки Ўрта Осиё қабилалари орасида тайёрланган (1.8 x 2м; нақш мужассамоти: ҳандасавий шакллар нилуфар гуллар билан безатилган, кенг ҳошияларида отлиқ чавандозлар, холдор буғулар, грифонлар тасвири бор).

Ўзбекстон худудидаги гиламлар Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Шаҳрисабз, Сурхондарё худуди тоғ ва тоғолди қишлоқларида уй шароитида жундан мато тайёрлаш кенг тарқалган, жумладан турли гиламлар, тўрвалар, шолчалар, дастурхонлар, кигизлар, уй ички безак анжомлари кабилар тайёрланган.

Асосан қўй жунидан гилам тўқилган. Ўрта Осиёда XIX асрнинг ўрталарига қадар гиламдўзлик уй ҳунурмандчилигига кирган. Соҳанинг асосий ҳомашё манбааси дехқончилик ва чорвачиликда олинган пахта жундир. Айниқса, оқ рангли жун гиламдўзлар томонидан ниҳоятда қадрланган. Гилам тўқишида Шеробод тоғ қишлоқлари аҳолиси шуғулланган. Гиламлар тўқилиши, гулнинг жойлашиши билан бир биридан фарқланган ва ўзига хос рамзий маънога эга бўлган. Масалан, олчага гиламнинг “кулф-калит” рамзи туширилган турли хонадон эшиги дўстига очиқ, душманга ёпиқлигини билдирса, “куроқгул” тури эса, икки гул бир бири билан қўша қарисин деган маънени билдиради.

Сурхон воҳаси тақир гиламлари билан машхур. Бу гиламлар халқнинг диний тасаввурлари ва эттиқодларини ўзида акс эттирувчи ҳандасавий, ислими, зооморф ва андроморф нақшлар билан безатилган. Тақир гилам пахта ипидан тўқилган. Дастреб, унинг турли ранглардан иборат бошланиш қисми тўқилган ва у “сув йўли” деб аталган. Сув йўли қисмида 3-4 қанот оқ ва қора иплардан ўрилган “қош йўйирма”, деб аталган безак ҳам солинган. Гиламнинг энг муҳим деталларидан бири – “четки қора”, яъни гиламнинг чеккаларининг қалинлиги 4-5 смли желак билан ҳошияланган. Унга эчки жунидан йигирилган ип ишлатилган.

Тўқиши жараёнида гиламнинг асосини ташкил этувчи иплардан қилинган тутунчалар ўнг ёки чапга тўлиқ бир марта ўтказилганда оралиқ асбоби олдинга ёки

орқага суриласи. Тугунчалар, агар астарли иплар бўйлама бўлса ўтказилмайди. Гилам тўқилиши қолип охирига 1-1.5метр қолганда қирқилади. Сабаби астарлик иплари охирланган сайин тортишиб таранглашади, узилиб кетиш ҳолати кузатилади, кесилгандан сўнг гиламнинг икки ёнига астарлардан қолган қисмидан безак берилган. Астарлик иплари уч, тўрт дона ипдан иборат тугунчалар қилинган, бу билан ипларнинг бўшаб кетмаслиги таъминланган.

XVI аср сарой (эрон) гиламлари яхши сақланган. Бу гиламлар (“Турунж”, “Шох Аббос”, “Боф”, “Ов” ва бошқа амалий санъатнинг нодир намуналари)дир. Улар миниатюра усталари - мусавиirlарнинг чизгилари асосида тўқилган. Гиламчилик Бобурийлар даврида Ҳиндистонда (“Мўғул”, “Агра” ва бошқа гиламлар), Миср, Сурия, Кавказортида тараққий этди.

XVIII – XIX асрларда гиламчилик Кавказорти ва Ўрта Осиёда саройларда эмас, балки халқ орасида кенг тарқалди. Асосий марказлари Казах, Ганжа, Ширвон, Боку, Нахичеван бўлган Кавказорти гиламлари ранг баранглиги, ижро усули ва бадиий жиҳати билан Туркманистон гиламлари (“Салор”, “Сариқ”, “Така ёвмут”, “Башир” ва бошқалар) қизил рангини теранлги, ҳандасавий гуллари ва ўта пишиқлиги билан ажralиб туради.

Фарбий Европа гиламчилигига XVI асрдан француз, немис шпалерлари алоҳида ўрин тутган. XVII – XVIII асрлардан патли гиламлар (1624 йилда Парижда асос солинган Савонери мануфактурасида) ишлаб чиқарила бошланган, кейинроқ Англия ва Испанияда ҳам патли гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилган. XIX асрдан гиламлар фабрикаларда ишлаб чиқарила бошлагач, унинг сифати кескин пасайиб кетди. XX аср ўрталаридан бадиий ҳунармандчиликда гиламчиликни қайта тиклашда уринишлар самарали бўлди. Полша, Болгария, Руминия, Югославия патли гиламлари билан бир қаторда патсиз гиламлар ҳам тайёрлана бошланди.

Гиламчилик Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон худудида жуда қадимдан ривожланган (Хоразмдаги археологик қазилмалар пайтида милоддан аввалги 1 мингинчи йилликка мансуб гилам намунаси топилган). Гиламчилик билан асосан аёллар шуғулланган, нақш (гул)лар (ислимий, гирих, ҳайвон шакллари, турли нарсалар тасвири, уруғ тамғаси ва бошқалар) ни эса хотирада сақлашган. Безакларида эса йўлбарс ва тую излари, олма гули ва узум занги, тую бўйни, қалқон, ўсимликлар ифодаланган, айниқса, ҳайвон шохи тасвири кенг тарқалган.

Андижон, Самарқанд гиламлари, қорақалпоклар тўқиган ўтов жиҳозлари бадиий жиҳатдан моҳирона ишланган. Андижон гиламларининг пати қисқа, қалин ва майнин бўлган. Самарқанднинг рангдор узун патли жулхирс (“айиқ юнги”) гилами ўзига хослиги билан ажralиб туради.

XX асрга келиб гиламчилик ўзига хос тарзда тараққий этди. Гиламчилик марказларида гилам тўқиши ривожланди, артеллар тузилиб, уларга халқ усталари жалб қилинган.

40 – 50 йилларда гиламчилик марказлари (Самарқанд, Китоб, 1946. Хива, Андижон, Термиз, 1947. Шаҳрисабз, 1949. Хўжайли, 1954) ташкил этилди, маҳаллий усталар шогирдлар етиштира бошлашган, қадимги анъанавий нақшлар тикланди.

Рассом ва хунарманд усталар ҳамкорлиги натижасида муваффақиятларга эришилди. Амалий ва маҳобатли санъат анъаналаридан унумли фойдаланиб, дастлабки янги нусха Хоразм гилами ва унга хос бўлган феруза ранг замин яратилди.

XX асрнинг 60-йиллари охирида майда артеллар бирлаштирилиб, янги гиламчилик корхоналари ташкил этилди, моҳир усталар шу корхоналарда меҳнат қила бошлиниди. Олмалиқ, Самарқанд, Хива, Фориш, Шоғиркон ва бошқа жойлардаги фабрикаларда анъанавий нақш мужассамоти ва бадиий жихатдан ижодий бойитилган нафис гиламлар тайёрланиб келинмоқда.

1978 йилда Хива гилам тўқиши комбинати ташкил этилиши билан гиламчилик саноати маҳаллий саноатнинг муҳим тармоғига айланди. Кейинчалик гилам тўқийидиган корхоналар сонининг ортиб бориши натижасида гиламчилик саноати алоҳида саноат тармоғи сифатида ажралиб чиқди. Гилам тўқиши айниқса маҳаллий саноатдаги энг ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида ҳам гиламчилик марказларининг турли даврдаги гиламлари сақланиб келмоқда.

Музей экспозициясида Хоразм, Жиззах, Андижон, Қорақалпоғистон, Шаҳрисабз, Самарқанд гиламлари ўрин олган.

Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музей экспозициясида узун патли, калта патли ва гиламларни кўришимиз мумкин.

Узун пати гиламлар – жулхирс асл ўзбек гиламларидан бири араб ва тожик тилидан таржима қилинган бўлиб “айиқ териси” маъносини англатади. Узунлиги 8 – 17мм оралигига бўлади. XIX аср ва XX асрбошларида бундай узун патли гилам тўқиши хунари қўпроқ Самарқанд ва Жиззах, Нурота тоғ оралигига қисман Қашқадарё араблари ва Фарғона водийсидаги қирғизлар орасида кенг тарқалган.

Калта патли гиламлар – асосан 3-7мм узунлиқда тўқилади. Гиламлар нақш безаклари, тўқилиш услуби, бўялиш техникаси ва сифат даражасига қараб фарқланади.

Патсиз (палос) гиламлар – икки томонлама нақш ҳосил қилиб қўлда ёки машинада тўқиб тайёрланади. Ип, жун, сунъий толалардан тўқилади.

Гиламлар қайси худудда тўқилганини ташки кўриниши, тикилишидан фарқлаб олсак бўлади: Масалан: Жулхирс гиламларининг туклари узун бўлиб, чўл аҳолиси ишлатган. Сабаби, чўлда яшайдиган заҳарли ҳашаротлар ораламаслиги учун. Араби гилам – араб дунёсида анъанавий ва миллий араб гилам тўқиши усулидан фойдаланган ҳолда тайёрланган гиламдир. Афғон гилами – анъанавий равишда Афғонистоннинг шимолий ва ғарбий худудларида асосан афғон түкманлари, ўзбеклар томонидан қўлда тўқиладиган полни қопловчи тўқимачилик туридир.

Қорақалпоғистон гиламлари. Қадимдан қорақалпоқ ўтовларини жигарранг, пушти, оч яшил ва сариқ ранглар ўйғунлашган кигиз, гиламчалар билан безатиш урф бўлган. Гиламлар нақшлари ниҳоятда хилма хиллиги билан эътиборни тортган.

Қадимги гиламдўз хунармандлар 60 дан ортиқ нақшларни ишлатишган ва бу нақшлар антиқа номларга эга бўлган. Масалан, қўс мўйиз (жуфт шоҳ); сегиз мўйиз(чопилган шоҳ); жўмалак мўйиз(ўралган, думалоқ шоҳ). Нақшларда бошқа

безаклар ҳам тез-тез учрайди, уларнинг номлари ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари билан боғлиқ.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати энциклопедияси. Тошкент-2016.
2. Ковры народов Средней Азии конца XIX- начала XX века. Мошкова. Ташкент.1970
3. Интернет тармоғидан: <https://уз.википедия.орг/вики/Гиламчилик>
4. <https://сосиет.уз/уз/newc/детайл/newc/908>
5. <https://туранewc.кz/уз/newc/қорақалпоқ-гиламлари-нақшларида-нималар-тасвирланган/>